



ГЛОБАЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ

ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ НАУЧНОГО

ИССЛЕДОВАНИЯ В СИСТЕМЕ

ГЛОБАЛЬНОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

MODERN METHODS

OF SCIENTIFIC INVESTIGATIONS

OF HIGH GLOBAL EDUCATIONAL SYSTEM



IV

Навоий - 2015



ЭТТИРУВЧИ БАДИЙ МАТН ЁРДАМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ УСЛУБЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ Имомова Х.К.	
ТАРБИЯЧИНИНГ МАШҒУЛОТГА ТАЙЁРГАРЛИК МОДУЛИ Ирисова С.	163
ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР Искандаров Ш. А.	165
ИЛФОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҚЎЛЛАШ ЗАРУРИЯТИ Пед.фан.док., проф. Исмаилова З.К., пед.фан.ном., доц. Байбаева М.Х.	167
АНДРАГОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ, КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ Исхакова М. Р.	170
ПРИМЕНЕНИЯ ПРАКТИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ В ОБУЧЕНИИ СТРАТЕГИИ КОМПРЕССИИ В СИНХРОННОМ ПЕРЕВОДЕ Йўлдошева У.У.	173
ВОЗМОЖНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИЙ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ Казакбаева М.А., Абилова Г.О.	175
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР Камолова Ҳ.М.	178
ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ҚАДРИЯТЛАРГА АЛОҚАДОР ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЙЎЛЛАРИ Каримова В.М.	180
КАСБ – ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОНИТОРИНГ ФАОЛИЯТИ Каримова Г.	183
РАЗВИТИЕ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ В ПРОЦЕССЕ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ Козлова Л.	185
КОНЦЕПЦИИ И ТЕХНОЛОГИИ ИННОВАЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ Козлова С.М.	187
СПОСОБЫ ДОСТИЖЕНИЯ УЧЕБНЫХ ЦЕЛЕЙ, ПРИМЕНЯЯ ПРОГРЕССИВНЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ Козлова С.М.	189
ТА’ЛИМ ЖАРАЙОНИДА МУМТОЗ АШУЛАЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ЛОУНА АСОСИДА О’РГАНИШ Dots. Qudratov I., Abdukarimova E.I.	191
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ Курбонова М.Б.	193
ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСИҚИЙ НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ Курбонов К., Сохибов А.	195
НАУЧНЫЕ ПАРАДИГМЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА: ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ Мавлонов Ж.Ё., Мухитдинова Х.	196
ЎҚУВЧИЛАРДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ (Маданият ва санъат коллежи ўқувчилари мисолида) Мамаатқосимов Ж.А.	200
ШАХС КАМОЛОТИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ Мусурмонова М.	202
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ АМАЛИЁТИ Матназаров Ў.Л., Саидназаров У. А.	204
ЭСТРАДА АРТИСТИНИНГ ПЛАСТИК ТАРБИЯСИ Мейлибаева У.М.	207
ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ВА ЭСТЕТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИНИНГ ЎРНИ Мирджалалова Л.Р., Махмудова О.А.	210
ЁШ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАР ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ	212

Тарбиячи: - Болалар, сиз қўлингиздаги мевали дарахтнинг расмига қараб гуруҳга бўлиниб оласиз. Биринчи гуруҳ-«Тоғ олчаси» гуруҳи, иккинчи гуруҳ-«Дўланалар» гуруҳи, учинчи гуруҳ-«Бодомлар» гуруҳи.

Амалий иш фаоллик марказларда амалга оширилади.

Тарбиячи: - Болалар ўзингиз хоҳлаган марказга бориб ўтиришингиз мумкин. Сизларга қуйидагича топшириқ бераман. Санъат марказида пластилиндан альпинистлар ясайсиз. Курилиш марказида альпинистларнинг рюкзагини ясайсиз. Математика марказида «Дўкон-дўкон» ўйинида альпинистларнинг рюкзагига солиш учун керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қиласиз. (сув, дудланган маҳсулотлар, сухарики, нон маҳсулотлари ва х.)

Ҳар бир марказда бажарилган вазифалар юзасидан болаларнинг тақдироти ўтказилади.

«Рефлексия» машқи жуфтликда ишлаш орқали ўтказилади.

Болалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1-савол: Тоғлар баландлигига кўра неча хил бўлади?

2-савол: Энг баланд тоғ қайси тоғ?

3-савол: Тоғда қандай мевали дарахтлар ўсади?

4-савол: Тоғда биринчи бўлиб қайси гул очилади?

5-савол: Тоғларда қайси доривор ўсимликлар ўсади?

6-савол: Геологлар кимлар?

7-савол: Альпинистлар кимлар?

Машгулот сўнггида болалар рағбатлантирилади.

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИ ЭТНОМАДАНИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Искандаров Ш. А., Тошкент давлат педагогика университети

Ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши ва этник ўзлигини англашида маданиятнинг ўрни бекиёсдир. Шу боисдан ҳам мутахассислар маданият тушунчасини халқларнинг этник ўзлигини белгиловчи омиллардан бири сифатда эътироф этадилар. Этномаданият моддий далиллари, қадимий этник қатлам, миллий кийим-кечак ва тил хусусиятларида ёрки намаён бўлади. Турли халқларга хос этномаданиятни тадқиқ этилганда ҳар бир халқ ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шубҳасиз бу борада Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар тарихи ва этномаданиягини ўрганиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистонда араблар Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилояти ва Фарғона водийсида яшаб келган. Тарихдан маълумки, араблар асосан Арабистон яримороти ва унга туташ ҳудудлардан, хусусан, Сурия ва Ироқдан кўчириб келтирилган аҳоли бўлиши эҳтимоли юқори⁸⁰.

Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг келиб жойлашши тўғрисида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Тадқиқотлар натижасида бизга маълумки, араблар Ўзбекистон ҳудудига келиб ўрнашишлари VII-XVIII асрга қадар кўчиб келиб жойлашган. Ўзбекистонга арабларни кириб келиши тарихий босқичларни бир нечага бўлиш мумкин. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин.

биринчисидан, VII-VIII асрда арабларни катта қисм Ўрта Осиёни исломлаштириш мақсадида миграция жараёнида кўчиб келиб жойлашган;

иккинчидан, Амир Темур араб ерларни эгаллагандан сўнг, у ердаги маҳаллий арабларнинг катта қисмини Ўрта Осиёни турли ҳудудларига келтириб жойлаштиради;

учинчидан, Афғонистондаги Хуросон ҳудудларида яшовчи араблар Амир Темурга бир неча бор қаршилик кўрсатади. Шу сабабли уларни саҳрога ҳайдашни амр қилади;

тўртинчидан Арабистон ёки Афғонистондан арабларни кўчириб келаётганда Темур саркардалари шу ҳудудда бир неча кун айланиб юришади ва Темурга саркардалар

⁸⁰ Ражабов, Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарқ. 2012. Б. 97.

бўлган вазиятини етказишади. Темур бу ҳодисадан сўнг арабларни, ўша ерда ўтов тикиб яшашларини амр қилади. Шундан сўнг араблар шу ерда муқим яшаб ўтроклашади;

беинчидан, тадқиқотлармиз даврида Ўрта Осиё ҳудудида арабларни кириб келиш билан боғлиқ илмий-назарий баҳсларимиз натижасида Жонбек Султон давридан сўнг араблар кўчиб келган бўлиши мумкин деган фикрга келдик. Бироқ йирик гуруҳ сифатида кўчиб келишмаган. Аммо Хива хонлиги даврида баъзи бир хужжатларда келтирилишича арабларнинг маълум бир ҳунармандлари кўчириб келиниб уларга хоннинг саройини безаш мақсадида араб гиламларини тўкитишган. Шу каби вазиятларда келиб ўрнашган бўлиш мумкин.

Қашқадарёнинг жанубий-ғарбида Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида асосан араблардан ташкил топган бўлиб, улар моддий маданияти кийим-кечак ва тили ҳамда анъанавий маросимларини бирмунча яхши сақланиб қолган.

Ўзбекистон арабларининг турмуш-тарзи урф-одат ва анъанавий маросимлар ҳамда тарихи бўйича бир қатор олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Г. Церетели, С. Л. Волин, И. Н. Винниковнинг тадқиқотлари таҳсинга лойиқдир⁸¹. П. Равшанов ва М. Сайдовларнинг “Жейнов тарихи” китоби, ёзувчи Евгений Березкоковнинг Жейнов ва унинг тарихига бағишлаб бир неча маротаба даврий матбуот чиқишлари қилган. Бу борада Р. Ражабовнинг тадқиқот ишлари ҳам диққатга сазавордир⁸². Юқорида номлари кайд этилган муаллифларнинг тадқиқот ишларида кўпроқ араблар тарихи билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган.

Дала тадқиқотлари натижасида тупланган маълумотлармизда Жейнов сўзининг келиб чиқишни тожиклар билан боғлашади. Чунки, Жейнов ҳудудида араблар келмасидан олдин тожиклар яшаган. Араблар келиб ўрнашгандан сўнг тожикларни катта қисми Фазли ва Қамаш қишлоғига бориб жойлашиб ўрнашган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам уларнинг баъзилари: “сиз тожикми ёки араб?” деб сўрасангиз улар ўзларини “араб” деб эътироф этишади. Аслида улар тожик миллати вакилидир⁸³.

Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, араб қишлоқларининг барчасида ҳам арабликнинг муҳим элементлари бўлган араб тили, миллий кийимлар, арабча урф-одатлар ҳамда маросимлар сақланиб қолмаган. Аммо баъзи араб қишлоқларида қисман бўлса ҳам этномаданият сақланиб қолган. Юқорида ҳам кўриб ўтганмиздек, Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида, Бухоро вилоятидаги Жугари, Чаҳдари ва қисман Арабхона қишлоғида сақланиб қолган. Юқорида номлари тилга олинган қишлоқларда араб тили ёки миллий кийим-кечаклари ва арабча рақс саънат қисман сақланган. Араб аёллари киядиган гиззи, хатабак, бухнак, нагги⁸⁴ кабилар Ўрта Осиёда яшаб кетаётган арабларда учрамайди. XX асрнинг охирида Арабистонлик олим Фозил Мустофа Ғиждувон туманидаги Жугари қишлоғини ўрганиш мақсадида келган. Жугари қишлоғидаги арабларнинг тили Сурия ва Ироқнинг ўртасида жойлашган кичик бир қишлоқ шеvasига жуда ҳам ўхшаш эканлигини таъкидлаб ўтган. Унинг айтишича, тадқиқ этилган респондентларнинг юз тузилиши, ташқи кўринишларида ҳам ўхшашлик кузатилади⁸⁵.

Жейнов қишлоғи араблари оила катта аҳамиятига эга деб ҳисоблашади. Респондентлардан бутун кунда арабларнинг ўзига хос этномаданиятни сақланиш омилларига оид берган саволларимизга 37 % “билмайман” 36 % “билишни хоҳлайман лекин маълумотлар кам” 23 % “бу борада маълумотлар мен учун унчалик муҳим эмас” респондентлармизнинг 4 % агар арабларнинг этномиллий маданияти тиклаш ғоясини эмас,

⁸¹ Церетели Г.В. Арабские диалекты Средней Азии. Т.: I. Бухарский арабский диалект. Тбилиси Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов Труды второй сессии ассоциации арабистов. // Труды Института востоковедения АН СССР. Вып 36. М.-Л., 1941. С. 114. Винников И.Н. Арабы в СССР (Этнография, фольклор и язык) // Советская этнография. 1941. № 2-3. Винников. И. Н. Арабы в СССР // Сбр. статей Советская этнография. IV. М. Л. 1940. С. 148. 1956.

⁸² Ражабов. Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар. Т.: Янги аср авлоди. 2011. Б. 126 // Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарқ. 2012. Б. 416.

⁸³ Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани. Жейнов қишлоғи. 06. 07. 2011. йил.

⁸⁴ Исмаилов Х.И. Традиционная одежда арабов Кашкадарьинской области // Костюмы народов Средней Азии – Москва. 1979. С. 228-248.

⁸⁵ Дала ёзувлари Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани. Жугари қишлоғи. 2012. йил.

аксинча, ўзбек ва арабларининг ўзига хос бўлган этномиллий маданиятини тиклаш бугунги кунимиздаги асосий долзарб муоммолардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги барча араблар характерида бир ҳолатни кузатиш мумкин. Уларда саҳройи бадавийларга хос қизиққонлик ва жангарилик хислатлари сақланиб қолган.

Советлар даврида этник ўзликни англашига қарши юритилган сиёсат араб миллатини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон арабларининг турмуш-тарзи ва маданиятини байналмилалчилик ғояси остида бирлаштириш мақсадида уларини ҳам тарихи ва маданияти тазйиқ остига олинди. Бу жараёни мустақилликка эришилгунга қадар давом этди.

Республикамизда ягона бўлган араблар миллий-маданий маркази (ҳозирги аталиши Миллий Маданият маркази) 1993 йил тапқил тошган. Миллий маданият маркази томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, араблар тарихи, бугунги ҳаёти, уларнинг кийиниш тарзи ва удумлари ҳақида китоблар, фото альбомлар чоп этиб келинмоқда. Шу билан бирга матбуот чикишлари, телекурсатувлар, телефильмлар яратилди. Жейновда арабларнинг Миллий маданият марказини раиси сифатида М.Саидов, Х. Бобомуродов, Ш. Шарипов кабилар бошқаришган.

Марказ қошида араб миллатига мансуб аҳоли орасидан арабча миллий руҳдаги санъат намуналарини билувчи талантларни ўзида бирлаштирган. “Ал-Арабия” номли ансамбил тузилган бўлиб, ансамбл нафақат вилоят, хатто Республика миқёсидаги танлов ва тадбирларда ҳам фаол ишторик этиб келмоқда. Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистон умумий уйимиз” фестивалида қирқ иккита Миллий Марказлар ансамллари орасида “Энг яхши миллий кўшиқлар ижроси” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган.⁸⁶

Ўзбекистон арабларнинг миллий кийим-кечаклар маросимий кийимлар тўй, никоҳ, дафн кийимлар айрим ўзига хос хусусиятини кўриш мумкин. Жумладан арабларнинг этномиллий маданиятини акс этган.

Шу нуқтаи назардан қараганда араб халқ этник ўзлигини англашнинг ўсишини ўрганиш бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада кўп жиҳатлар қатори миллий ўзликни англашнинг байналмилал асосда тўғри шакллантириш муҳимдир. Юқоридаги фик мулоҳазаларга таянган ҳолда, арабларнинг этномаданияти ижтимоий тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий турмуш-тарзи, урф-одатлари ўзини ва ўзлигини идрок этишда энг муҳим этноснинг шаклланишида ижтимоий жараёнлари билан ўта муҳим ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Арабларини Ўрта Осиёга кириб келиши билан маҳаллий халқларнинг турмуш-тарзи, урф-одатлари ва маросимларида ўзгаришлар юз берди.

Дарҳақиқат, араблар бадавий саҳро киши деб эътироф этилган. Аммо уларни кейинги ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Улар эгалаб турган худудда ислом дини тарғиб қилиш жараёнида маҳаллий аҳолининг этник таркибига айланиб туб ерли халқлар билан бўлган этномаданий, этнохўжалик муносабатлари натижасида бир-бирига қон-қариндошлик ришталари билан яқинлашиб борган. Ҳозирги кунга келиб эса арабларининг маълум қисмигина этник ўзлигини сақлаб қолишган. Жумладан, арабларни кийим-кечак, тили ва рақс саънат, буни ёрқин мисолдир.

ИЛҲОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҚўЛЛАШ ЗАРУРИЯТИ

Исмаилова З.К., Байбаева М.Х., Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Бугунги кунда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки

⁸⁶ Панжиев Н. Эзгу ишларга ҳамоҳанг маърифат гулшани. // Кашқадарё газетаси. 2010. 9-февраль. 12-сон.